

**Лойиҳа-смета ишларини бажариш учун
41 - сонли ШАРТНОМА**

Нукус ш.

“5” апрель 2022 йил.

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи “Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор А.Сарсенбаев ва бундан буён “Бажарувчи” деб юритиладиган “Ўзйўлложиҳа лойиҳа қидирив институти” ДУК Қорақалпоғистон Республикаси филиали номидан 2022 йилнинг 10 февралдаги №01/06-44-сонли ишончнома асосида иш юритувчи филиал бошлиги **Б.Дарябаев** ўртасида қўйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи топширади, Пудратчи эса Қорақалпоғистон Республикаси Хужайли тумани “Муртазабий” МФЙ Буюк Максад, Муқумий, Тандыршы қўчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муаллифлик назаратини олиб бориши ўз зиммасига олади.

Буюртмачи: молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома лойиҳа-смета ишларини бажариш ва муалифлик назаратини олиб бориши билан боғлиқ ишларга тузилган.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси **15% ҚҚС** билан **3 371 000** (уч миллион уч юз етмиш бир минг) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Буюртмачи шартномани Газначиликдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно:

ишлилар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлилар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вактида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вактида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечикирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган қўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банқдаги барча турдаги ҳисоб-рақамларидан инкассо талабномаси қўйиши орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида боскичларида ва шартномада қўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳисбот хужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида қўрсатилган ҳисбот хужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қиласликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичидан Бажарувчига камчиликлар қўрсатилган ишларни қабул қиласлик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қиласликнинг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини қўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичидан уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичидан ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Қорақолпоғисон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиха бўйича хulosса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичидан келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласди ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларига давлат экспертиза хulosаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хulosасига асосан шартнома баҳоси қўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада қўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равища жалб қилиш хукуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Нукус туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечикирилган хар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар молиялаштириш манбай томонидан кечикирилган тақдирда буюртмачи жавоб бермайди.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечикирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича хисобга олишга ҳақли.

7.9. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Лойиха ишларини аниклаш сметаси (2- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (3- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8. Томонларнинг манзили ва хисоб рақамлари

Буюртмачи

Қорақалпоғистон Республикаси
“Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати”

ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй
ш/х: 3045 2186 0354 0170 45 129 118 347
ИНН 207255036 ОКЭД:71120
Молия Вазирлиги газначилиги
Р/с казн: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014
ИНН:201122919

Директор

А.Сарсенбаев



 

Бажарувчи

“Ўзбеклоийиҳа лойиҳа қидирав институти”
ДУК

100000, Тошкент шахар,
Мирзо Улугбек тумани,
Мустакиллик шоҳ кўчаси, 68-уй,
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001
АТИБ “Ипотека-банк”
Яшнобод туман филиали
МФО: 00959, ИНН: 305 756 527

ОКЕД: 71110



Филиал бошлиги

Б.Дарябаев

2022 йил “ 5 ” апрелдаги
41-сонли шартномага 1-илова

Шартнома баҳосини келишуви

БАЁННОМАСИ

Биз, қуида имзо чекувчилар: Қарақалпоғистон Республикаси Хужайли тумани "Муртазабий" МФЙ Буюк Максад, Мукумий, Тандыршы күчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муаллифлик назаротини олиб бориш бўйича 2022 йил 05 апрелдаги 41-сонли шартнома баҳоси 15% ҚҚС билан 3 371 000 (уч миллион уч юз етмиш бир минг) сўмни ташкил қиласди.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро хисоб—китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

Буюртмачи

Қарақалпоғистон Республикаси
“Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати”
ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй
ш/х: 3045 2186 0354 0170 45 129 118 347
ИНН 207255036 ОКЭД:71120
Молия Вазирлиги газначилиги
Р/с казн: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014
ИНН 201122919

Директор А. Сарсенбаев



Бажарувчи

“Ўзйўллойиҳа лойиҳа қидирув институти”
ДУК

100000, Тошкент шахар,
Мирзо Улуғбек тумани,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй,
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001
АТИБ “Ипотека-банк”
Яшнобод туман филиали
МФО: 00959, ИНН: 305 756 527
ОКЭД: 71110

Филиал бошлиги Б. Дарябаев



2022 йил 5 апрелдаги

41-сонли шартномага 2-илова

Смета хужжатларини аниқлаш қайдномаси ва бажариш календар режаси

- Иш тури: Корақалпогистон Республикаси ҳудудидаги минтақавий йўлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш.
- II. Буортмачи: "Корақалпогистон Республикаси Минтақавий йўлларга буортмачи хизмати" ДУК.
- III. Бажарувчи: "Ўзйўллоийха лойиха қидирув институти" ДУК Корақалпогистон Республикаси филиали.

№	Объектлар номи ва маизили	Лойиха қуввати, км/пм	ҚМИ МИНГ.СҮМ	ЛСХ МИНГ.СҮМ	Бажариш муддати
1	2	3	4	5	6
1	Хужайли тумани "Муртазабий" МФЙ Буюк Максад, Мукумий, Тандырши кўчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш	1,32		3 371 000	10 кун
	ЖАМИ:	1,32		3 371 000	

Қайднома бўйича жами: ҚҚС билан

3 371 000

(ЧУЧ МИЛЛИОН УЧ ЙОЗ ЕТМИШ БИР МИНГ) СҮМ.

Лойихачи:

Буортмачи томонидан келишилди:

41-сонли шартномага 3-илова

Корақалпогистон Республикаси ҳудудидаги минтақавий йўлларни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш бўйича
БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

МИНГ.СҮМ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Киймати	Бажариш		Молиялаштир иш муддати
			муддати	қиймати	
1	2	3	4	5	6
	Аванс тўлови 30%			1 011 300	
1	Хужайли тумани "Муртазабий" МФЙ Буюк Максад, Мукумий, Тандырши кўчаларини жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш	3 371 000	2022 й апрель	2 359 700	апрель
	ЖАМИ	3 371 000		3 371 000	

Бажарувчи



